

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Раҳбар Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий Университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial Board of the Look to the past

Кебадзе Мадонна
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Бурдиашвили Майя
*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет (Грузия)*

Кожакева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова
*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети*

Зияева Доно Ҳамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адҳам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Халикова Раҳбар Эргашевна
*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент
давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий Университети*

Кобзева Ольга Петровна
*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Саипова Камола Давляталиевна
*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон
Миллий Университети*

Джоробекова Айнура Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Тошқи
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -
Технология Институтида*

Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

1.Шамсиева Ирода Махмудовна, ТАРИХНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА QR-КОДЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДА УНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИМКОНияТЛАРИ, МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	4
2.Турсунов Нурулло Нарзуллаевич, ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ.....	17
3Сангирова Дилорам Хўжамқуловна, ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР.....	24
4.Shirnova Fotima Nosirovna, ISLOM KARIMOVNING "TARIXIY XOTIRASIZ KELAJAK YO'Q" ASARIDA TARIX FANINI O'QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI.....	38
5.Вахобов Ботирали Михайлович, ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ.....	43
6.Ҳабибуллаев Ориф, ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ УНВОНЛАРГА ДОИР.....	50
7.Самадов Хуршид Баходирович, Салимов Шерзод Юнусович, XX АСРНИНГ 90-ЙИЛЛАРИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ МУАММОЛАРИ: ТАЖРИБА ВА ЮТУҚЛАР.....	57
8.Тўхтабаев Аъзамжон Шарипхўжаевич, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА "UZBEKISTAN AIRWAYS" ФАОЛИЯТИГА НАЗАР.....	69
9.Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна, АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАСАВВУФ ТАРИХИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРГА ДОИР.....	75
10.Раззоқова Гўзал Қодировна, ХОРАЗМ ХАЛҲАЧИЛИГИ.....	81
11.Бахтиёр Режавалиевич Халмуратов, Малоҳат Одилова, НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ФОЛЬКЛОР ТУРИЗМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР.....	85
12.Жайнаров Обиджон Ҳамидўели, ТУРКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ: СТРУКТУРАСИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИ (1917-1922 ЙИЛЛАР).....	90
13.Юсупова Гуллола, ФАРҒОНА ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ХАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР (1960-1980 йй.).....	98
14.Холияров Тўлқинжон Чоршанбиевич, ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ОИД ЯНГИ ТАДҚИҚОТЛАР ТўҒРИСИДА.....	103

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Сангирова Дилорам Хўжамкуловна,
Гулистон давлат университети
Тарих кафедраси доценти

ҲАЖ ЗИЁРАТИ ВА ҲУКМДОР ҲОЖИЛАР

For citation: Diloram X. Sangirova. Hajj and the rulers of. 2019, vol. 1, issue 18, pp. 24-37



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-18-03>

АННОТАЦИЯ

Қадимги даврлардан бошлаб эъзозланиб келаётган "муқаддас манзилгоҳ" тушунчаси ўрта асрлар даврига келиб янги босқичга кўтарилди. Шу даврнинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида, мусулмончиликнинг фарз амалларидан бўлган ҳаж зиёрати масаласи ва ҳажга отланган дунё ҳукмдорларининг тарихига доир маълумотлар таҳлили устида сўз боради. Мақолада хусусан, Аштархоний ҳукмдорларининг ҳаж зиёратига бориши билан боғлиқ бўлган тарихий воқеаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблари моҳияти очиб берилади.

Калит сўзлар: қадим зиёратгоҳлар, ислом дини, Муҳаммад Мустафо (с.а.в.), ҳаж амири, Макка, Мадина, Каъба, ҳаж зиёрати, "лаббайка" Бақий қабристони, Соларҳаж, масжид, ғозий, давлат бошқаруви, жўйборлар, сайидлар, ҳукмдор ҳожила, мабрур ҳаж

Сангирова Дилорам Хужамкуловна
доцент кафедры Истории

Гулистанского государственного университета

ХАДЖ И ПРАВИТЕЛИ ХАДЖИИ

АННОТАЦИЯ

Почитаемое с древнейших времен понятие "священное место" в средние века поднялся на новый уровень. В статье анализируется один из важных вопросов этого времени – хадж (паломничество, связанное с посещением Мекки и её окрестностей в определённое время), который является одним из столпов ислама и история правителей, отправившихся на паломничество. В частности,

раскрывается социально-экономические и политические причины исторических событий, связанных с паломничеством правителей из династии Аштарханидов.

Ключевые слова: древние святыни, религия ислам, пропок Мухаммед (с.а.в.), города Мекка и Медина, Каъба, предписание о хадже, "лаббайка", кладбище Баки, салархадж, мечеть, гази, государственное управление, жуйбары, сеййиды. Хаджи правители, хаджи мабрур.

Sangirova D.X.

Associate Professor of History
Gulistan state University

HAJJ AND THE RULERS OF

ANNOTATION

Revered since ancient times, the concept of "sacred place" in the middle ages rose to a new level. The article analyzes one of the important issues of this time - Hajj (pilgrimage associated with visiting Mecca and its surroundings at a certain time), which is one of pillars of Islam and history of rulers who went on pilgrimage. In particular, it reveals the socio-economic and political reasons for the historical events associated with the pilgrimage of the rulers of the Ashtarkhanid dynasty.

Key words: ancient shrines, religion Islam, prophet Muhammad (s.a.v.), cities of Mecca and Medina, Kabba, precept of khoja, "labbayka", Baki cemetery, Solarhaj, mosque, ghazi, administration, juybars, sayyids, haji rulers, haji mabrou

Кадимги даврлардан бошлаб маҳаллий туб аҳоли (автохтон)нинг "муқаддас макон", "муқаддас қадамжо" тушунчасида зиёрат амали одамларни ёмонликдан сақлайди, руҳини енгил қилади, дарддан халос этади деган умидворлик бўлган. Олам ва одам ўртасидаги бундай муносабатлар ўрта асрлар даврига келганида янги босқичга кўтарилди, янги қадриятлар шаклланди. Тарихимизнинг кейинги тараққиёти босқичларида зиёратгоҳ маконлар ибрат ва тажриба алмашиш маскани, ўзаро маданий алоқалар алмашиналадиган марказ вазифасини ўтаган [1,Б.330].

Шундай манзилгоҳлардан бири Ямандан Суриягача карвон йўллари ўтадиган ерда жойлашган Макка шаҳри эди. Қурайшларнинг Бани ҳошим уруғидан чиққан Муҳаммад (с.а.в) ислом дини ҳақ дин эканлиги, ислом дини беш асосга қурилганлиги (иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж)ни маълум қилган. Пайғамбаримиз (с.а.в)га ҳаж амри тушиб, йўлга қодир инсонлар Аллоҳ ҳаққи учун ҳаж қилиши лозимлиги барча мусулмонлар учун фарз этиб белгиланган эди. Бирламчи манба ҳисобланган "Қуръони карим" [2,Б.544] нинг "Бақара", "Оли Имрон", "Моида", "Тавба", "Иброҳим", "Ҳаж", "Қасас", "Анкабут" сураларида ҳаж ва умра зиёрати ҳақида сўз боради. "Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир", дейилган эди бу хусусида "Оли Имрон" сурасида [3, Б.88,89]. Ҳаж зиёратига отланган инсонлар балоғатга етган, ақл ҳушли, эркин ҳамда моддий жиҳатидан таъминланган бўлиши, шунингдек, жисмоний қувватга эга бўлиб, ҳаж муддатида амалларни тўлиқ адо этиши талаб этилган.

Ислом тарихида илк бор уч юз кишидан иборат зиёратчилар ҳаж амири [4,Б.28] ҳазрати Абу Бакр (р.а) (632-634 йй.) бошчилигида ҳаж зиёратига отланишган. 629 йилда Муҳаммад (с.а.в) (570-632йй.) бошчилигидаги мусулмонлар Маккага

кичик ҳажни амалга оширган, 630 йилда эса Абу Бакр (р.а) бошчилигида биринчи ҳақиқий мусулмон ҳажи адо этилган. Муҳаммад (с.а.в) бошчилигида (с.а.в) ҳижратнинг ўнинчи йили (милодий 631 йил), зулқаъда ойида амалга оширилган ҳаж зиёрати пайғамбаримизнинг ҳаж амри келганидан кейинги илк ва сўнгги катта ҳажлари эди. Ушбу ҳаж сафарида Маккага отланган зиёратчилар сони юз минг кишидан иборат бўлган [5, Б.844, 936]. Мусулмончилик фарзни адо этиш истагида бўлган зиёратчилар сони вақт ўтиши билан тобора ошиб бормоқда [6].



Ҳаж зиёрати барча дунё мусулмонларининг олдидаги энг шарафли амаллардан бўлиб айниқса, ҳожиликни ихтиёр қилган ҳукмдорлар учун янада кўпроқ масъулият талаб этилган. Шу боис улар ҳаж амалларини бажариш билан бир вақтда, Каъбани ҳимоя қилиш ҳамда уни обод этиш, Аллоҳ розилиги учун кўпроқ хайр эҳсон қилиш каби вазифаларни ҳам адо этиш керак эди.

Бундай вазифалар кўп ҳолатларда халифалар томонидан амалга оширилган. Халифа Ҳорун ар Рашид (786-809 йй) ўз фуқаролари билан бир неча бор Макка зиёратини амалга оширган [7, С.26]. 806 йилда Византия империясига қарши ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганида унинг бош кийимида "ғозий, ҳожи" ёзувлари битилган [8, С.359] бўлиб, бундай ҳожилик мартабаси халифалар учун фахрли бўлган.

Шунингдек, ҳукмдорлардан Миср ва Сурия султони бўлган Бейбарс ал-Мансур (1260-1277 йй.) [9, С.38] 1269 йилда ҳамда ҳаж йўлида беҳисоб олтинларини сочган энг бой ҳукмдор сифатида тарихда ном қолдирган Мали ҳукмдори Мусо [10, С. 168] 1324-1325 йилда Макка шаҳрига зиёрат қилган. Қозон маликаси Нурсултон (1447-1520 йй.) 1484 ва 1517 йилларда Қоҳира орқали икки бора ҳаж зиёратини амалга оширган бўлса, унинг давомчиси сифатида 1524 йилда тахтга келган жияни Қозон хони Соҳиб Гирей (1501-1551 йй.), Истанбул орқали ҳаж сафарида отланганлиги маълум [11]. Нима учун айнан Истанбул томонидан бориш йўли танланган эди?

Сабаби бу даврга келганда, Макка шаҳри ва ҳаж зиёрати амаллари устидан назорат ғарбу шарқда энг кучли империя саналган Усмонийлар империяси (1517 йилдан) қўлига ўтган эди. Барча мусулмон дунёси аҳлига нисбатан истак ва имкониятлари кучли бўлишига қарамасдан, турк султонлари орасида фақатгина шаҳзода Жам султондан бошқа бирор ҳукмдор Макка зиёратига бормаганлиги маълум. Бунинг сабаблари аввало, давлат манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, султонларнинг ҳаж зиёрати узоқ вақт - уч ойдан то тўққиз ойгача давом этиши бошқарув ишларига путур етказиб, улкан мамлакатда исён ва норозиликлар юз бериши мумкин эди. Қолаверса, олий ҳукмдорни ҳимоя қилиш эҳтиёжи кўплаб қўшиннинг ҳаракатга келишига сабаб бўлар, бу эса бошқа зиёратчиларга ноқулайлик туғдирарди. Ваҳоланки, зиёратчиларга қўйилган талаблардан бири, ҳеч бир кимсага на тили ва на қўли билан озор бермаслиги лозим эди.

Ҳаж зиёрати истагида Константинополдан Анатолияга жўнашни ният қилган Султон Усмон II (1604-1622 йй.) кўп ўтмасдан исёнчилар томонидан ўлдирилган.

Шундан сўнг империя шайхул исломи Асад афанди "султонларга зиёрат қилиш талаб этилмайди, улар учун давлат ишлари бошқаруви яхши амал", - деб фатво берган [12]. Шундан кейин салтанат султонлари ҳаж зиёратини амалга ошириш учун ҳудудда тинчликни таъминлаб бериш, Каъбани ободонлаштиришга ҳомийлик қилиш, шу билан бир қаторда хайр эҳсон ишларига қўплаб маблағ сарф қилишга машғул бўлганлар.

Ислом илми ва дини маркази бўлган Бухоро хонлиги [13,С.91] ҳудудларида ҳам диний қадрият сифатида ҳаж зиёрати масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [14,С 96-105]. Наршахий Бухородаги айрим зиёратгоҳлар хусусида: "...зиёратига борган киши ҳаж қилган (кишининг) фазилатига эга бўлишлигини" маълум қилган [15,Б.20]. Шунингдек, ҳаж зиёратига тенглаштирилган Баҳовуддин Нақшбанд қабрини уч марта айланиб зиёрат қилиш [16,С.123] диний жиҳатдан муҳим фарзлардан бири бўлишлиги билан бир қаторда, шайбоний ва аштархоний ҳукмдорларнинг тахтга чиқишидан олдинги сиёсий фаолият амалларидан бири бўлиб, бошқарувнинг муҳим сиёсий тадбирига айланган [17, С.447 - 448]. Мана шундай муҳим тадбирга айланиш тарихининг айрим жиҳатларига эътибор қаратамиз.

Марказий Осиёда қадамжолар ниҳоятда кўп бўлиб, аҳолининг "муқаддас жой"ларга эътиқоди сўфийлик эътиқоди билан боғлиқ бўлган [18,С.278-279]. Шу ўринда айтиш лозимки, сўфий шайхларидан бўлган Юсуф Ҳамадоний (1048-1141 йй) [19] Бухоро хонлиги ҳудудларида ўз билимларини ошириб, 30 мартадан ортиқ муборак ҳаж зиёратини амалга оширган. Муҳтарам зотни ўзига устоз деб билган Абдуҳалиқ Ғиждувоний (1103-1179 йй) [20, Б. 10] устози изидан бориб, ҳаж зиёратига йўл олган [21,Б.21]. Яна шундай илму уламолардан бири бўлган Абу Абдуллоҳ ҳаждан қайтиб келаётган ҳожиларнинг турли саволларига жавоб бериб, масалалар ечимини топиб берганлиги ҳақидаги маълумот манбада келтирилган [22,Б.53]. Бундай маълумотлар Бухоро хонлигининг ҳам диний ҳам ҳуқуқий ахборот маркази сифатида ҳам катта ўрин тутганлигидан далолат беради.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан маълумки, Бухоро хонлигида ривожланган ўрта асрлар тарихи даврига келиб ҳаж зиёратига борганлар сони яна ҳам ортиб борганлигини кўрамыз. Кўп сонли карвон билан ҳаж сафарига борган Бухоро ҳукмдорлари тарихини ўрганиш ҳар жиҳатдан долзарб масала ҳисобланади. Бу масалани тадқиқ этиш орқали тарихий шароит ўрганилади ва зиёрат мақсадлари аниқланади. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ҳукмдорларнинг зиёрат қилиш қарорларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий сабаблари аниқланади, бу албатта тарихимизни ёрқин рангларда кўриш имконини беради.

"Қуббат ул ислом" номи билан улуғланган Бухоро хонлиги мусулмонлар учун "дин паноҳи" вазифасини бажариб келган. 1556 йилда Иван Грозний томонидан Астраханнинг босиб олиниши оқибатида ғайридинлардан паноҳ истаган Ёрмуҳаммад бошчилигидаги аштархонликлар Бухорога кириб келган. Шайбонийлардан бўлган Искандархоннинг қизи Зухро бегимни аштархонийлар келин қилиб олиш билан қуда андачилик ришталарини боғлайди [23,С.46]. Ушбу никоҳ Аштархонийлар (жонийлар) сулоласининг 1601 йилда Бухоро тахтини эгаллашида легитим асос бўлиб хизмат қилди.

Янги сулоласининг жамиятда мавқеини мустаҳкамланишида сулоланинг ёши улуғ вакили ҳисобланган ва эндигина ҳаждан келган Ёрмуҳаммаднинг ҳожилик мартабасининг таъсири кучи катта бўлган.

Макка ва Мадина шаҳарларига зиёрат қилиш Россия ва Ўрта Осиё мусулмонлари учун уч йўналиш орқали амалга оширилган. Биринчи йўл Кавказортдан ва Эроннинг шимолий қисмларидан Боғдодга қараб йўналган. XIX-XX асрларда Бағдод йўлидан Қазвин, Карбало, Нажаф орқали Макка ва Мадинага боришган. Бу йўл орқали йилига 12 - 15 минг зиёратчилар ўтиб, ҳаж зиёратига борганлиги маълум.

Иккинчи йўналишда Самарқанд ва Бухоро орқали Афғонистонга, у ердан Мозори Шариф, Қобул, Пешовар ва Бомбейга, у ёқдан Жидда ва Янбога борилган. Бу йўл орқали 4 - 7 минг россиялик зиёратчилар ўтишган.

Қора денгиз орқали Константинопол ва Сувайш ва Янбога борилган учинчи йўналиш орқали йилига 2-3 минг киши зиёратни амалга оширган.

Иккинчи йўналишнинг асосий қисми Бухоро хонлиги ҳудудидан ўтганлиги туфайли ҳаж зиёрати табдилларини ташкил этиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш Бухоро хонлиги бошқаруви тизимининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланган. Бундай имкониятдан фойдаланган кўплаб туркистонлик ва бухоролик мулкдорлар ҳаж зиёратини амалга ошириб, Маккада яшаб қолган. Шу сабабдан ҳам Саудия Арабистонида "Бухорийлар" ва "Туркистоний"лар номи билан улар кўп хайрли ишларни амалга оширганлар [24].

Бироқ, афсус билан шуни қайд этиш лозимки, барча зиёратчилар ҳар доим ҳам эзгу амаллар билан ном қолдирмаган. Бухоро хонлиги тарихида ҳаж зиёратига бориб, ҳаддан ташқари дабадаба билан зиёрат амалларини бажарган садр ҳақида келтириб ўтилган. Ибн ал - Асир Маккага зиёрати даврида ўзининг бадхулқлиги туфайли "садрижаҳаннам" номини олган бухоролик садр хусусидаги маълумотда берилган [25,С.517]. Ваҳоланки, мусулмон кишининг бирор бир жонзотга озор бермаслиги ҳожининг фарз амалларидан бири саналган.

Олти маъмурий бўлакдан иборат бўлган, аҳолиси сони кўпчиликни ташкил этган Бухоро хонлиги [26] ҳудудидан ҳаж зиёратига боровчилар сони бошқа ҳудуддан боровчилар сонига нисбатан кўпчиликни ташкил қилган. Ҳожилар учун ҳаттоки, махсус дарвоза қурилган бўлиб, Солорҳаж деб номланган. Кейинги асрларда у Қоракўл дарвозаси деб ном олган (у ҳозиргача шаҳарда сақланиб қолган ягона қадимий дарвоза). Жўйбор хожалари истиқомат қилган ушбу масканда Бухоронинг бадавлат хонадонлари қаторида ҳажга боровчилар бошлиғи-Амирул ҳаж ҳам истиқомат қилган [27, Б .20].

Ҳукмдорлар орасида Ёрмуҳаммад ҳожининг зурриёдлари ҳисобланган Имомқулихон (1582-1644 йй.), Надр Муҳаммадхон (1594-1651 йй.) ва Абдулазизхон (1614-1683 йй.) лар ҳаж зиёратига отлангани маълум. Бироқ, ҳукмдорларнинг мусулмончилик фарзини адо этишдан ташқари, яна қандай сабаблар уларни ҳаж зиёратини амалга оширишга ундагани ҳақидаги маълумотларни кўпчиликка маълум қилиш мақсадида масалага ойдинлик киритмоқчимиз.

Аштархоний ҳукмдорлар Бухоро (Мовороуннаҳр) ва Балх устидан ҳукмронликни қўлга киритган [28,Р.56] бўлиб, "катта хон" номи билан Имомқулихон Бухорони ва "кичик хон" номи Надр Муҳаммад Балх тахтини бошқаришга киришганлар [29,С.120]. Имомқулихон кўчманчи қабилалар билан муваффақиятли жанглар олиб бориб, Бухоро хонлигини кучли давлатга айлантирди. Шунинг учун ҳам 38 йил мустақкам сиёсат олиб борган Имомқулихон даврида мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлиги сақланиб турган.

Манба тили билан айтганда "унинг ҳукмронлиги йиллари мамлакатда бирон марта на Балхда ва на Бухорода исён кўтарилмади" [30, С.82-83].

Бироқ, вақт ўтиши билан Имомқулихоннинг кўзи хасталаниб, хиралашади ва кейинчалик бутунлай кўрмай қолади. Ўрта Шарқ ва Марказий Осиё тарихидан маълумки, кўзи ожиз сулола вакиллари ҳокимият бошқарувидан четлатилган. Бунинг сабаби шундаки, жисмоний ожиз ҳукмдор даврида давлат бошқарувида тартибсизликларнинг юзага келиш эҳтимоли катта бўлган. Ўрта аср жамиятига хос жазо туриларидан бўлган мил тортиш ҳам асосан, ҳокимиятдан четлатиш мақсадида шахзода ва ҳукмдорларга нисбатан қўлланилган [31].



Имомқулихон кўзи кўрмай қолганидан кейин сулола тақдирини ўйлаб, 1642 йилда укаси Абулғози Сайид Надр Муҳаммад баҳодур фойдасига тахтдан воз кечади. 1641-42 йилда ҳаж сафарига отланган Имомқулихон бошчилигидаги карвонни хоннинг яқин кишиси бўлган Нодир девонбеги тоғайи кузатиб қўйган [32]. "Лаббайка" даъватини қулоғи билан эшитиб, муқаддас макон сари йўл олган Имомқулихонга оталиқ мансабида бўлган Муҳаммад Дўст ҳамроҳлик қилган [33]. Ҳукмдорнинг толе шунда эдики, ҳар қандай вазиятда ҳам садоқатли кишилари доимо унинг ёнида бўлган.

Имомқулихон карвони Ҳижозга Машҳад ва Исфаҳон шаҳарлари орқали и адо этиб бўлгач, Имомқулихон 1644 йилда Арофат тоғида вафот этган, унинг жанозасида 600 минг киши иштирок этганлиги ҳақида маълумот мавжуд [35]. Ушбу рақам Имомқулихон ҳожи ўтиб боришни режалаштирган. Шу сабабдан ҳам сафавийлар саройида бўлган меҳмон бўлган Имомқулихонга эҳтиром кўрсатишиб, машҳур мўйқалам соҳиби Муин Мусаввир унинг портрети чизган [34].

Ҳаж амалларин жанозасига деярлик бутун Мадина аҳолиси иштирок этган, деган тахминга келишимизга асос бўлади. Бир томондан, Искандарбек муншийнинг Имомқулихонни сайидлик мартабасига эга бўлганлиги ҳақидаги маълумот бўлса, иккинчи томондан, бундай эҳтиромга лойиқ кўрилганлиги сабаби жуда кўп хайри ишлар билан Мадинада ёдгорлик сифатида катта чорбоғ қолдириб [36], Маккадаги Каъбага киравериш дарвозасида олтин ва кумуш тутқичли ёғоч зина қурдиришга ҳомийлик қилганлиги эди. Шу боисдан ҳам ҳукмдор ҳожига юқори илтифот кўрсатилиб, Мадинадаги Бақий қабристонига қўйилган.

Аштархонийлар даврига оид қимматли маълумот берувчи "Тарихи Муқимхоний" асарида фақат Надр Муҳаммадхонгина она томонидан сайидлар авлодига мансублиги айтиб ўтилади. Асарнинг "Шавкатли Надр Муҳаммадхоннинг Сайидлик мартабасига етиши ва унинг авлиё Имом Али Мусо Ризо (Аллоҳ ундан рози бўлсин) хонадонига уруғ жиҳатдан мансублигининг тасдиқланиши ҳақида"ги фаслида Машҳадда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораётган Динмуҳаммадга имом Ризо уйининг имоми Мирзо Абу Толиб хонадони шаънини сақлаб қолиш учун унга Шаҳрибону бегим деган қизини берганлиги, шу никоҳдан Надр Муҳаммадхон туғилганлигини ҳақида келтирилган [37]. Бир томондан пайғамбар авлодига

мансублик фахри, иккинчи томондан тарихий шароит сабаблари ҳар икки ҳукмдорни Макка ва Мадина шаҳарларига отлантирган эди.

"Баҳр ул асрор" да таъкидланишича, "шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлар орасида бойлиги жиҳатдан энг бақуввати" [38] ҳисобланган бўлсада, Надр Муҳаммадхон (1642-1645 йй.) мамлакатдаги норозилик кайфиятини ҳар қанча қимматбаҳо совға саломлар тортиқ қилса ҳамки, унинг урдасидан чиқолмаган. Бу даврга келганда Имомқулихон замонидаги осойишталик ўрнини ички низо ва қарама-қаршиликлар эгаллади [39]. Қолаверса, айрим манбаларда 12та (баъзиларда 14 та дейилган) шахзодаларнинг ўзаро курашлари хон бошқарувини қийинлаштирган. Бундай сиёсатидан норози бўлган бир гуруҳ маҳаллий зодагонлар 1645 йилда унинг ўғли Абдулазизни Хўжандда хон кўтариб Бухорога келгач, ноилож қолган Надр Муҳаммадхон Балхга кетади. Бироқ, яна бир ўғли Субҳонқулихон 1651 йилда Балх тахтини отасидан тортиб олганидан кейин чорасиз қолади.

Ҳокимиятни қайта эгаллаш мақсадида Надр Муҳаммадхон Эрон шоҳи Аббос II (1642-1666) дан ёрдам сўраган. Шоҳ Аббос собиқ хонга шундай бир фахр билан муносабатда бўлганки, шу вақтгача форс шоҳлари Турон ҳукмдорларига бундай муносабатда бўлмаган эди [40].

Бунинг сабаби эса, Эрон шоҳи бу ҳудудларни ўз тасарруфига киритишни мақсад қилиб олгани эди. Савафийлар саройида Надр Муҳаммадхон жуда яхши кутиб олиб, ўғилларига ва Буюк мўғулларга қарши курашишда унга ёрдам беришни ваъда қилган эди.

Сиёсий омиллар таъсири сабабли, дунё ишларидан кўнгли совуган Надр Муҳаммадхон ҳокимият ва давлатдан воз кечиб, акаси Имомқулихон ортидан ҳажга отланишга қарор қилади. Надр Муҳаммадхон билан ҳажга отланганлар орасида ўзининг ишончли кишиларидан Газ вилоятининг бошқарувчиси ҳам хонга йўлдош бўлган. Қизиги шундаки, Субҳонқулихон айнан шу шахсга Надр Муҳаммадхонни Мадинага кузатиб бориш фармони бериб берган [41]. Надр Муҳаммадхон ҳижрий 1061 (1650-1651 йй.) йилнинг ўрталарида Эроннинг Семнон шаҳрида [42] йўл ўртасида ажали етиб, омонатини Аллоҳга топширди [43]. Унинг истагини амалга ошириш учун жасадни Мадинага олиб бориб, Имомқулихон ёнига - Бақий қабристонига қўйилган [44].

Бухорода қолиб, мамлакат бошқарувини қийин бир вазиятларда қўлга олган Абдулазизхон мамлакатни 40 йил бошқарди. Ҳукмдор устози Мавлоно Насридун Бухорийдан фатво олиб, сўфийликда Муҳаммад пайғамбар авлодларининг издошлари бўлмиш Ҳожа Абдулғаффор бини Ҳожа солиҳ бини Хожайи калон ҳожа бини ҳазрати Махдуми Аъзам издошлари даврасида бўлиб турган.

Абдулазизхон мамлакат ҳудудларини мустаҳкамлаш учун нафақат Ҳиндистон шахзодалари ва Бухорога 18 марта юриш уюштирган Хива ҳукмдорлари [45] билан тинимсиз кураш олиб борган. Қолаверса, Абдулазизхон билан Субҳонқули ўртасида нафақат сиёсий масалада балки шахсий муносабатларда ҳам ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлганлигини Хўжамқули Балхий айтиб ўтган. Имомқулихоннинг қизига кўнгил қўйган Субҳонқулихон эмас, ёши ва мартабаси



улуг бўлган Абдулазизхон уйланган эди, натижада ака-укаларнинг шахсий муносабатлари сиёсий тус олиб кетади. Кейинчалик Субҳонқулихон Хива хони Абулғозихоннинг укаси Шариф Муҳаммад султоннинг қизига уйланган бўлиб, Хива ҳукмдори Субҳонқулихонни ҳар жиҳатдан қўллаб қувватлаганлиги "Шажарайи турк" асарида яққол кўринади [46].

Ўртадаги душманлик кайфият давлатнинг инқирозига олиб келишини тушунган Абдулазизхон ҳокимиятдан воз кечиб, укаси Субҳонқулихонга тожу тахтни топшириб, Маккага ҳаж зиёратига отланишига қарор қилган. Хон ҳазратларининг асл мақсади қандай эканлигини билиб олиш учун Субҳонқулихон Имомқул оталиқ келачи ва Тангиберди парвоначи аролат (яъни арлот)ни хон ҳузурига юборган [47]. Абдулазизхон қарори қатъий эканлигини маълум қилгач, Бухоронинг таниқли ҳамда ҳарбий табақага мансуб маҳоратли кишилари: мамлакатда жиддий фалокат содир бўлмаганини, хоннинг хасталанмаганлигини, Субҳонқулихонга қарши курашишга тайёрлиги эканлигини билдирган. Бироқ, Абдулазизхон укаси билан курашиб, бегуноҳ қон тўкканидан кўра, Аллоҳнинг ризолиги йўлида ҳаж зиёратига кетишга қатъий қарор берган. 1091 (1680/1681) йилда зиёратга отланган Абдулазизхоннинг руҳий ҳолати қуйидаги мисраларда келтирилган:

Аллоҳга бўлган иштиёқ қиличи мендан жаҳолатни юлиб олди.

Бу сокин денгизнинг тўлқини (яъни абадий ҳақиқат) мендаги дилсиёҳликни йўқ қилди.

Менинг тушкунликка учраган (вайроназорга айланган) юрагим /эндиликда/ тинч осойиштадир.

Мендан хароб подшоҳлик ишларини олган кишининг замони лаънатланган бўлсин.

Хон карвонида ўттиз минг кишидан кўпроқ кишилар ҳажга отланган [48]. Улар орасида Абдулазизхоннинг содиқ дўсти бўлиб Лутфулло қози ҳам бор бўлган, ҳаж амалларини адо этгач, кейинчалик Бухорога қайтгани ҳақида маълумот берилган [49].

Абдулазизхоннинг сайидлар хонадонига мансублиги туфайли (шоҳ Аббос II даврида Надр Муҳаммадхонга қандай эҳтиром кўрсатилган бўлса) шоҳ Сулаймон (1666-1694) ҳам Абдулазизхонга шундай муносабат кўрсатган эди [50].

Ҳижоз ҳудудига етиб борган зиёратчилар ўзларини хавфсиз ҳисоблашар, бу ҳудуддан бошлаб, на бир инсон на бир жонзотга зулм қилиш манъ қилинган. Бироқ, талончилик, қароқчилик ва жонига зиён етказишлик ишлари нафақат Ҳижозда балки Макка ва Мадина шаҳарларида кузатилиб турган [51].

Абдулазизхоннинг ҳаж карвони араблар ерларига бориб етганида, улар карвони ушланиб катта миқдорда бож солиғи талаб этилган. Хон товон пулини 20 минг динар червон тиллада [52] тўлашга розилик билдирган [53]. Бироқ, карвон йўлидаги талончи араблар 40 минг тиллага ҳам рози бўлмаганидан кейин, хон карвонидаги



ҳарбийлар "...Бизни бу ерларга шуҳрат ва ор етаклаб келмоқда, бизни суннийлар деб ҳисобламасинлар, якка дин учун курашамиз, ўлсак бу йўлда шаҳид кетармиз! деб жангга кириб, талаб қилинган червон пуллари ўрнига қонларини тўкканлар. Абдулазизхон ҳаж зиёратини адо этиб, икки йилдан сўнг бобоси ва отаси дафт этилган қабристонига қўйилган.

Шу даврнинг йирик зодогони, Самарқанд амири бўлган ҳамда Шердор, Тиллакори мадрасаларини қурдириб ўзининг ўчмас номини қолдирган Ялангтўшбий ҳам ҳаж сафарига борган [54].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро хонлиги ҳудуди зиёратгоҳ маконлар маскани бўлиши билан бирга, ислом дини марказларидан бири бўлган. Шу сабабли гайридинлардан паноҳ истаган астраханлик туркий қавмлар Бухорога келиб жойлашди. Янги сулоланинг Бухорода мустаҳкам мавқени эгаллаши билан боғлиқ сиёсий жараёнларга Ёрмуҳаммаднинг ҳожилик мартабаси бир мунча таъсир кўрсатди.

Ҳукмдорлар томонидан Бухоронинг айрим зиёратгоҳларини зиёрат қилиш диний жиҳатдан ҳаж зиёратига тенглаштирилган муҳим фарз амали бўлиши билан бир қаторда, шайбоний ва аштархоний ҳукмдорлар даврига келиб, тахтга эгалик қилиш ҳуқуқини берадиган муҳим сиёсий тадбирга айлантирилди, яъни диний амалларнинг сиёсийлашганлиги кўзга ташланди.

Аштархоний ҳукмдорларнинг ҳаж сафари қарори аввало, барча мусулмонлар учун икки дунё саодатига эришмоқлик, эл юрт равнақи ҳамда ислом дини тараққиёти йўлида садоқат билан хизмат қилмоқлик ниятида амалга оширилган бўлсада, зиёрат қилиш қарорининг сиёсий жиҳатдан муҳимлиги эса, ён бериш сиёсати орқали сулоланинг бошқарувининг давомийлигини сақлаб қолишга қаратилган чора тадбири бўлган дейиш мумкин.

Умуман олганда, ҳаж зиёрати – бир эътиқод остида турли ранг, турли тоифа, турли табақа кишиларни умуминсоний манфаатлар йўлида бирлаштириб, диний, иқтисодий, тарихий ва жўғрофий билимларни эгаллашга, шунингдек, тинчлик йўлида ҳамжиҳатликка, ҳуқуқий жиҳатдан тенгликка хизмат қиладиган диний, сиёсий, маданий фаолият ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эралиев Б., Остонакулов И., Абдулаҳатов Н. Ўзбекистон зиёратгоҳлари ва қадамжолари. Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри. – Т.: Turon Zamin Ziyo, 2015. – Б.330 (Eraliev B., Ostonakulov I., Abdulahatov N. Pilgrimages to Uzbekistan Tashkent region and the city of Tashkent. – Т.: Turon Floor Zia, 2015. – В.330).

2. Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. –Тошкент: Чўлпон, 1992. 544- б. (The Holy Quran. Translated and commented by Alouddin Mansur. – Tashkent: Chulpon, 1992. 544 p.) Яна қаранг:

"Бақара" -Б. 6-36; "Оли Имрон", -Б. 6-36; "Моида" -Б.72-80; "Тавба", -Б.123-135; "Ҳаж" -Б. 237-243; "Қасас", -Б.277-284; "Анкабут", -Б.285-290;

3. Оли Имрон сураси, 97 оят. //Муфтий Усмонхон Алимов. Тафсири Ирфон. – Т.: Шарқ, 2013. – Б.88,89 (Surah Al 'Imran, 97 // Mufti Usmonkhon Alimov. Commentary by Irfon. –Т.: East, 2013. – В.88,89.).

4. Амир ул ҳаж- Амир ал- Ҳаж -ҳаж бошлиғи, ҳожилар қарвони раҳбари. Ҳаж зиёратига келеувчиларга раҳбарлик қилиш одатини Муҳаммад (с.а.в.) белгилаб

берганлар. Кейинчалик Амир ул- Ҳажни тайинлаш ҳуқуқи халифаларда бўлган. XIII асрда бу ҳуқуқ мамлук султонларига ўтган, айти шу вақтдан эътиборан Маккага йўл олган ҳожиларнинг асосий тўпланадиган ерларида ташкил этилган карвонбошилар ҳам Амир ул-Ҳаж деб атала бошлаган. Қаранг: Ислом энциклопедияси. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2004.-Б.28 (The Islamic Encyclopedia. -T.: State scientific publishing house "National Encyclopedia of Uzbekistan", 2004. -P.28).

5. Қозончи, Аҳмад Лутфий. Саодат асри қиссалари /Таржимон Н.М.Рауфхон. - Т.: Sharq, 2014. -Б.844, 936 (Boiler, Ahmad Lutfi. The Age of Happiness / Translator N.M. Rauf Khan. - T.: East, 2014. -B.844, 936)

6. Эслатиб ўтамиз, Саудия Арабистони Статистика бош бошқармаси маълумотида қараганда, бу йилги зиёратчиларнинг сони 2 миллион 489 минг 406 нафарни ташкил қилган, шундан 7 мингдан ортиғи ўзбекистонликларни ташкил этган.

7. Бартольд В.В. Ислам. // Соч. Т. 6. - М.: Наука, 1966. - С.26 (Bartold V.V. Islam. // Op. T. 6. - M.: Nauka, 1966. - P.26)

8. 804 йилнинг охирида халифа Ҳорун ар-Рашид яна Маккага ҳаж сафарини амалга оширади. В.В. Бартольд томонидан келтирган Якубийнинг сўзларига қараганда, бу нафақат Ҳоруннинг, балки бутун аббосий халифаларининг сўнгги ҳаж сафари эди. Қаранг: Бартольд В.В. Карл Великий и Харун ар-Рашид. // Соч. Т. 6. - Москва: Наука, 1966. - С.359 (Bartold V.V. Charles the great and Harun ar-Rashid. // Op. T. 6. - Moscow: Nauka, 1966. - P.359)

9. Бартольд В.В. Халиф и султан // Соч. Т. 6. - М.: Наука, 1966. - С.38 (Bartold V.V. Caliph and Sultan // Soch.T.6.- M.: Nauka, 1966.- С.38).

10. Ваккури Юха. Цивилизации долины Нигера. Под ред. Л.Е.Куббеля. - М.: Прогресс, 1988. -С. 168 (Vaccuri Juha. Civilizations of the Niger Valley. Ed. L.E. Kubbela. - M.: Progress, 1988. -P. 168).

11.[https:// dic.academik.ru](https://dic.academik.ru). Сахиб Гирей

12.wiki pedia.org.Асад афанди.Биринчи бор 1615 йилдан 1622 йилгача, иккинчи бор 1623 йилдан 1625 йилгача Буюк Усманийлар империясининг шайхул исломи бўлган.

13.Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Елец-2019. -С. 91 (Litvinov V.P. The historical experience of the Russian state in the organization and regulation of the pilgrimage of Muslims of Central Asia (1865-1917). The dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. Yelets-2019. -FROM. 91).

14.Литвинов В.П. Социокультурный и образовательный аспекты проблемы хаджа мусульман Туркестана (эпоха Средневековья и Нового времени).//Мир образование - образование в мире, 2014-№3. -С 96-105 (Litvinov V.P. Sociocultural and educational aspects of the problem of Hajj Muslims of Turkestan (the Middle Ages and the New Age) .// World education - education in the world, 2014-No.3. -P. 96-105).

15. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи./ Мерос туркуми /Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи Хуршид Даврон. -Т.: Камалак, 1991. - Б.20 (Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far al-Narshahi History of Bukhara / Heritage Series / Responsible Editor, Xurshid Davron. -T.: Rainbow, 1991. - P.20).

16. Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации

и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Елец-2019.-С. 123 (Litvinov V.P. The historical experience of the Russian state in the organization and regulation of the pilgrimage of Muslims of Central Asia (1865-1917). The dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. Yelets-2019. -P. 123)

17. Литвинов В.П. Исторический опыт Российского государства в организации и регулировании паломничества мусульман Средней Азии (1865-1917 гг.). Диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. Елец-2019. -С.447 - 448 (Litvinov V.P. The historical experience of the Russian state in the organization and regulation of the pilgrimage of Muslims of Central Asia (1865-1917). The dissertation for the degree of Doctor of Historical Sciences. Yelets-2019. -С.447 - 448).

18. Снесарев Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., 1969. -С.278-279 (Snesarev G.P. Relics of pre-Islamic beliefs and rites among the Uzbeks of Khorezm. M., 1969. -P.278-279).

19. Юсуф Ҳамадонийнинг Марвдаги қабри энг кўп зиёратчилар келадиган зиёратгоҳ сифатида бўлганлигини қайд этиб ўтамыз.

20. Садриддин Салим Бухорий. Буюк ғиждувонийлар: авлиё ва алломалар. - Бухоро: Бухоро нашр. 2006. -Б.10 (Sadriddin Salim Bukhari. Great Buddhists: saints and scholars. - Bukhara: Bukhara edition. 2006. -P.10).

21. Садриддин Салим Бухорий. Буюк ғиждувонийлар: авлиё ва алломалар. - Бухоро: Бухоро нашр. 2006. - Б. 21 (Садриддин Салим Бухорий. Буюк ғиждувонийлар: авлиё ва алломалар. -Бухоро: Бухоро нашр. 2006. - Б. 21)

22. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи./ Мерос туркуми /Масъул муҳаррир, сўзбоши муаллифи Хуршид Даврон. -Т.: Камалак, 1991. - Б.53 (Abu Bakr Muhammad ibn Ja'far al-Narshahi History of Bukhara / Heritage Series / Responsible Editor, Xurshid Davron. -T.: Rainbow, 1991. - B.53)

23. История Узбекистана (XVI- первая половина XIX века). - Т.: Фан, 2012 - С.46 (History of Uzbekistan (XVI-first half of the XIX century). - T.: Fan, 2012. - P .46)

24. <https://tavorix.uz/maqolalar/222-saudiya-turkiston.html> Ҳайитов Шодмон. Саудия Арабистонидаги "Бухорийлар" ва Туркистонийлар" (Hayitov Shodmon. "Bukhari" and "Turkestan" in Saudi Arabia).

25. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. // Соч. Т. 2. Ч. 2. - Москва: Наука, 1963. - С. 517 (Bartold V.V. The history of the cultural life of Turkestan. // Op. T. 2. Part 2. - Moscow: Nauka, 1963. -P. 517).

26. унга Бухоро, Самарқанд, Сагараж, Кеш, Сийахжард ва Ҳазор кирган эди. Кейинроқ унга Балх қўшиб олинган ёки Б.Аҳмедов таъбири билан айтганда алоҳида давлат таркибидаги давлат эди. Тошкент қозоқ султонлари билан энг жангу жадаллар олиб борилган ҳудуд ҳисобланганлигидан Бухоро хонларининг ҳаракатлари билан еттинчи удел сифатида таркибига киритилган. Бухоро хонлигида 10 туман бўлиб, улар: Ғиждувон (Харкан), Вобкент (Вабахна), Ахугир (Тароб), Руд и шаҳар (Ҳарканд руд), Вағонзе (Кам и Абу Муслим), Қишлоқи калон (Шопуркам), Ромитон (Самжон), Султонобод, Худфар (Зандани), Ҳайдарободни ташкил этган.

27. Ражабов Қ. Жўйбор хожалари. //Hidoyat .2004. № 4 . -Б .20 (Rajabov Q. Dust masters. // Guide .2004. No. 4. -B .20).

28. Bregel Yu. An historical atlas of Central Asia. Brill. Leiden: Boston. 2003 - P.56
29. Алексеев А.К. Политическая история Тукай-Темуридов. По материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асрар. - Спб., 2006. - С.120 (Alekseev A.K. The political history of the Tukay-Temurids. Based on materials from the Persian historical work Bahr al-asrar. - St. Petersburg, 2006. - P.120).
30. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.82-83 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.82-83).
31. Буни бобурий шаҳзода Камроз мирзо ва Хива ҳукмдори Анушахон мисолида кўриш мумкин.
32. Нодир девонбеги. Бу лавозим эгаси жамиятнинг илғор фикрли, тадбирли ва саҳоватли шахслари орасидан танланган. Девонбеги мансаби шароит тақозасига кўра, бир неча вазифаларни бажарган. Уларнинг энг муҳимларидан бири давлат хазинасини назорат қилар эди. Девонбеги молия ишларини назорат қилиш билан бирга, хирож ерлари ва улардан тушган маблағларни ҳисоб қилиб, қирим-чиқим дафтарларини юритган. Шунингдек, девонбеги ҳарбий қўмондонлик, элчилик вазифаларини ҳам бажарган. Давлатлар томонидан олиб борилган дипломатик муносабатларда қабул маросими вақтида элчилардан ёрлиқ қоғози ва бошқа турли расмий ҳужжатларни хонга тақдим этган. Девонбеги мансабидаги амалдорга фавқулодда ҳолатларда (ҳукмдор саройдан ташқарида бўлганда) пойтахтни бошқариш ишлари топширилган. Тайинки, ҳаж маросимига ҳам кузатиб қўйиш ишлари Нодир девонбеги зиммасида бўлган.
33. Шах-Махмуд ибн Мирза Фазил Чурас. Хроника. Критический текст, перевод, комментарии, исследование и указатели О.Ф.Акимушкина. - М., 1976. -С.120 (Shah Mahmud ibn Mirza Fazil Churas. Chronicle Critical text, translation, comments, research and indexes of O.F. Akimushkina. - M., 1976. -P.120).
34. Пугаченкова Г.А. Портрет Имамкули-хана //Искусство. 1963. № 1. -С. 66-68, яна қаранг: Иванов А.А. Ещё раз о портрете Имамакули-хане // Близкий и Средний Восток. Сб. статей в честь 70-летию проф. И.П.Петрушевского. - М.:Наука, 1968. -С.61-66 (Pugachenkova G.A. Portrait of the Imamkuli Khan // Art. 1963. No 1. - S. 66-68, Yana Karang: A. Ivanov Once again about the portrait of the Imamakuli Khan // Near and Middle East. Sat articles in honor of the 70th anniversary of prof. I.P. Petrushevsky. - M.: Nauka, 1968. -P.61-66).
35. <https://ru.m.wikipedia.org> Имамкули-хан.
36. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.93 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.93).
37. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.98 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.98)

38. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.9 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.9)
39. Азамат Зиё: Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2001. -Б. 161-162.
40. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.98 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.98)
41. Алексеев А.К. Политическая история Тукай- Темуридов. По материалам персидского исторического сочинения Бахр ал-асар. - Спб., 2006. -С.315
42. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.101 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.101)
43. Bregel Yu. An historical atlas of Central Asia. Brill. Leiden: Boston. 2003 -P.56
44. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.101 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.101)
45. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.103 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.103)
46. "Балх хони Субҳонқулихондан элчи келди ким, акам Абдулазизихон қасд қилган эрмишким, мени ўлтургай, тақи Балхни ҳам олгай, эмди менинг отам ва акам сизсиз. Менинг сиздан ўзга паноҳим йўқ. Агар сиз анинг билан ёв бўлиб Бухорони чопмасангиз, ул келиб Балхни ҳам олур ва мени ҳам бегуноҳ ўлтурур, теб". Қаранг: Абулғозий. Шажарайи турк. - Т.: Чўлпон, 1992. -Б.185
47. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.107 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.107)
48. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского, предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.107 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.107).
49. Мир Мухаммад Амин-и Бухари. Убайдулла-наме. / Перевод с таджикского с примечаниями А.А.Семенова. - Ташкент. Академ наук Узбекской ССР 1957. - С.301
50. Мухаммед Юсуф Мунши. Муким-ханская история. /Перевод с таджикского,

предисловие, примечания и указатели профессора А.А. Семенова. -Т.: Изд-во АН УзССР, 1956. - С.107 (Muhammad Yusuf Munshi. Mukim Khan's story. / Translation from Tajik, foreword, notes and indexes of Professor A.A. Semenova. - Tashkent: Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - P.107).

51.Литвинов В.П. К интерпретации проблемы хаджа в ракурсе священных источников ислама.//Пронстранство и время. 3 (17) / 2014. - С. 140 (Litvinov V.P. To the interpretation of the Hajj problem from the perspective of the sacred sources of Islam.// Space and time. 3 (17) / 2014 . -P. 140)

52. Грамм М. И. История цивилизации в зеркале мер, единиц и денег: Занимательная энциклопедия с интернет-адресами. -Челябинск: Аркаим, 2004. - С.149 (Gram M. I. The history of civilization in the mirror of measures, units and money: An entertaining encyclopedia with Internet addresses. -Chelyabinsk: Arkaim, 2004. -P.149); Қаранг: Уммавийлар даврига келганида Арабистонда 4,25 граммни ташкил этган мусулмон динори аосий пул бирлиги ҳисобланган. Улар савдо сотиқ орқали Европагача етган ва илк ўрта асрларда манкус деб номланган. XII асрларда мусулмон олтин динори 2,3 граммни, кумуш дирҳам 1,5 граммни ташкил этган. Мисқол ўлчов бирлиги ҳам мавжуд бўлиб, шариатга кўра, дирҳамга 10:7 нисбатда мувофиқлаштирилган. Яна қаранг: Хинц берган маълумотга кўра, 1 тилла динор 1 мисқол оғирлигига тенг бўлиб, 4,235 граммни ташкил қилган.(В.Хинц. Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему. -Москва. Наука, 1970. -С.21; V. Khints. Muslim measures and weights with the translation into the metric system. -Moscow. Science, 1970. -P.21).

53. А.А. Семеновнинг маълумотига кўра, бу сумма 100 минг рублни ташкил этган. XVII асрда Россия рублининг қиймати билан солиштирганида, 20 минг тилла пулнинг қиймати жуда юқори бўлганлигини билиш мумкин.

54.Аллаева Н.А. Хива хонлиги дипломатияси. XVI-XIX асрлар. -Т.: Adabiyot uchqunlari, 2018.-Б.68-69 (Allaeva N.A. Khiva Khanate Diplomacy. XVI-XIX centuries. -T.: Literary Sparks, 2018. -С.68-69).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№18 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000